



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2007 йил 26 декабрь, № 254 (4407)

Чоршанба

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 25 декабрь куни Оқсаройда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия кўмитаси раиси, МДХ Ижрочи котиби Сергей Лебедевни қабул қилди.



Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан кутлар экан, уни нафақат МДХ Ижроия кўмитаси раиси, айни пайтда МДХ Кузатувчилари миссияси раҳбари сифатида ҳам ҳурмат қилишини таъкидлади.

МДХ Кузатувчилари миссияси ўз фаолиятини 10 декабрдан бошлади. Тошкентда унинг штаби, Бухоро, Самарқанд ва Фарғонада бўлимлари ташкил этилди.

Техник шароитлар яратилгани, кузатувчилар сайлов жараёнини тартибга солуви ҳужжатлардан фойдаланиш, Президентликка номзодларнинг сайловдаги штаблари раҳбарлари ва сайловчилар билан учрашиш, барча округ ва участка сайлов комиссияларига бориб ҳамда зарур ахборотларни олиш имконига эга бўлгани, уларга сайловни ташкил этишда иштирок этган барча тузилмалар ҳар томонлама ёрдам кўрсатгани қайд қилинган.

Кузатувчилари миссияси нафақат сиёсий партиялар, балки фуқаролар сайловчилар ташаббускор гуруҳларини ташкил этиш орқали Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга эканини ижобий баҳолади. Миссия Баёнотида МДХ Кузатувчилари миссияси сайловни эркин, очик ва ошқора ўтди, деб ҳисоблаши қайд этилган. Сайлов Ўзбекистонда ижтимоий ҳаётни янада демократлаштириш билан мамлакатни барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим омилига айлангани эътироф этилган.

Кузатувчилари миссиясининг фаолиятига юсак баҳо берди. С. Лебедев самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди. Сайловда голиб чиққани муносабати билан Ислон Каримовни табриклади.

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексининг матни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси ва Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўпламида эълон қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ахборотлаштириш ва маълумотлар узатиш соҳасида қонунга хилоф ҳаракатлар содир этганлик учун жавобгарлик кучайтирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ахборотлаштириш соҳасидаги қонунга хилоф ҳаракатлар содир этганлик учун жавобгарлик кучайтирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Компьютер ахборотидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш

## СЎЗ — ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАРГА

Бритта ВОЛЛЕНБЕР, "Wostok" журнали муҳаррири (Германия):

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар ичида хотин-қизлар вакилининг борлигини мамлакатнинг сайлов тизимидаги ютуқлардан бири сифатида баҳолаш лозим. Бу Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш борасида олиб борилаётган кенг қўламли ишларнинг амалии самарасидир. Ўзбекистонда бу борада эришилган кўрсаткичларга ҳавас қилса арзийди.

Мен аввал ҳам Ўзбекистонда ўтган сайловда иштирок этганман. Бу сафарги сайлов жараёнини кузатишда ҳам турли мамлакатлар, кўпгина нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этганининг ўзиёқ Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов оқибати, транспарентлик асосида, халқаро нормаларга мос ўтганини яққол кўрсатиб турибди.

Мен Қорақалпоғистон Республикасидаги бир қатор сайлов участкаларида бўлиб, овоз бериш жараёнини кузатишда қатъий риоя қилинганига, фуқароларнинг ўз ҳуқуқларини эркин амалга оширишига қатъий амин бўлдим.

Ирнерио СЕМИНАТОРЕ, Европа Кўнрақчи халқаро тадқиқотлар институти директори: — Самарқанд шаҳри ва Оқдара туманидаги бир неча сайлов участкаларида бўлиб, Барчасида сайловга катта тайёргарлик кўрилгани ва сайловчиларнинг савияси юқорилиги мени қувонтирди. Ҳеч қерда фуқароларнинг овоз беришда бирон бир муаммага дуч келганига гувоҳ бўлмадим.

90 фоиздан ортиғи овоз бергани бу жараёнда фуқаролар алоҳида эътибор билан ёндашганини кўрсатади.

Санджай Кумар ПАНДЕЙ, Жавахарлал Неру номидаги университетнинг Халқаро тадқиқотлар мактаби эксперти (Ҳиндистон): — Мен кўплаб мамлакатларда ўтган Президент сайловларида кузатувчи сифатида қатнашганман. Аксарият мамлакатларда сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳи томонидан Президентликка номзод кўрсатиш тажрибаси учрамайди. Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловда сайловчилар ташаббускор гуруҳи томонидан кўрсатилган номзоднинг ҳам борлиги эътиборга ва ўрганишга лойик. Бу бирон бир партиянинг аъзоси бўлмаган фуқароларга Президент сайловда ўз номзодини кўрсатиш учун кенг имконият яратди. Сайловда рақобат муҳити кучайтирди.

Сайловда ҳар бир фуқаро ўз шахсий тасдиқловчи ҳужжат билан келиб, овоз беришда эркин иштирок этгани демократик тамойилларга мос келади. Қаршидан Шаҳрисабзга келганимча йўл-йўлакай бир неча замонавий қишлоқлардаги бир-бирдан кўркам биноларга қўшим тушди. Улар ўқув муассасалари экан. Мамлакатини таълим тизимини ислоҳ қилиш бўйича кенг қамровли ишлар олиб борилаётганидан ҳабарим бор. Буни Ўзбекистоннинг ўз келажагига юксак эътибордан, деб билмаман. Ешлар эса кўрсатилаётган бундай гаммурилик жавобан ўз юртининг эртаси учун масъуллигини ҳис қилмоқда. Сайлов жараёнида бунга тўла амин бўлдим.

Тошио ТОУРА, "Тори" компанияси маслаҳатчиси (Япония): — Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари орасида ўз мустақил тараққиёт йўлидан изчил бориб, бу борада катта ютуқларга эришаётган мамлакатдир. Барча соҳаларда олиб борилаётган кенг қўламли ишларнинг қисқа вақтда ўз самарасини бераётгани ҳаммага маълум. Бу ишларни изчил давом эттириш Президентликка номзодларнинг дастурларида акс этган. Мамлакат салоҳияти ва халқ фаровонлигини янада оширишга бўлган интилиш шу юртда яшовчи ҳар бир фуқаронинг — у ким бўлишидан қатъий назар — асосий мақсади бўлмоғи зарур. Бўлиб ўтган сайлов мамлакат аҳолиси ҳуқуқий демократик давлат, эркин

фуқаролик жамияти сари дадил қадамлар ташлаётганини яна бор кўрсатди. Уйлаётганим, Ўзбекистон халқи ўзига муносиб йўлбошчини сайлади.

Шу ўринда бир фикрни алоҳида таъкидламоқчиман. Айрим кузатувчиларнинг сайловчилар иштироки ҳақидаги рақамларга шубҳа билан қарашлари мени ҳайрон қолдиради. Шаҳсан мен Самарқанд вилоятидаги бир неча сайлов участкаларида овоз бериш жараёнини кузатиб, сайловчиларнинг фаоллигини, эрта саҳардан ўз хоҳиш-истағи билан овоз бериш учун келаётганига ҳавасим келди. Зеро, Шарқ халқлари тонда барвақт туришни хоҳиятли, деб биладилар. Ҳар бир қитъанинг, минтақанинг, халқнинг ўзига хос табиати, менталитети бор. Буни эсдан чиқармаслик ва масалага шу нуқтаи назардан ёндашмоқ зарур.

Че ЁН ХА, Корея Республикаси Ён-Сей университети профессори: — 23 декабрь куни ўтган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловда демократик тамойилларга мос келди. Сайловда рақобат муҳити кучайтирди.

— 23 декабрь куни ўтган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловда демократик тамойилларга мос келди. Сайловда рақобат муҳити кучайтирди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломов сайловда иштирок этган сайловчилар сони 14 765 444 киши эканини алоҳида қайд қилди. Умумий сонининг 90,6 фоизини ташкил этганини маълум қилди. Бундай натижа кўпчилик давлатларда ўтказилган сайловларда кузатилмайдими. Мисол учун Корея Республикасида яқинда бўлиб ўтган Президент сайловда сайловчиларнинг 62 фоизи иштирок этди. Шу жиҳатдан Ўзбекистонга ҳавас қилса арзийди. Шунини ҳам таъкидлаш жоиз, айрим

хорижий оммавий ахборот воситалари юртингизда халқаро талабларга тўла мос равишда ўтган сайловга ноҳилик муносабатда бўлаётганини кўраётиман. Ваҳоланки, уларнинг кўпчилиги бу сиёсий жараёнда қатнашмаган. Бундай пайтда уларнинг мақсади, қарашлари гаврали эканлигини унутмаслик керак.

Шигео УЭТАКЕ, Япониянинг Халқаро ҳамкорлик ва хайрия фондининг махсус маслаҳатчиси: — Мен юртингизнинг қадимий шаҳарларидан бири Хивадаги сайлов участкаларида бўлдим. Кузатишларим жараёнида сайловчиларнинг мустақил фикрлаши-ю, эркин овоз бериши, маҳаллий ва халқаро кузатувчиларнинг фаол иштирокнинг гувоҳи бўлдим.

Юртингизда ўтказилган бир қатор халқаро урғашуларда ва тўрт йил илгари ўтказилган Парламент сайловда иштирок этган эдим. Аввалги сайлов билан ҳозиргиники солиштириб қараган бўлсам, катта фарқни сезиш мумкин. Халқнинг турмуш тарзида ҳам, сиёсий қарашларида ҳам катта ўзгаришлар юз берган. Энг муҳими, уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаолияти янада ошган. Бу Ўзбекистонда демократия тамойилларининг мустақам қарор топганидан далолатдир.

Сайловга жуда яхши тайёргарлик кўрилган. Марказий сайлов комиссиясининг сайлов жараёнининг очиклиги ва ошқоралигини таъминлаш борасида амалга оширган кенг қўламли ишлари таъсирга лойик. Сайлов участкаларида сайловчилар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Масалан, сайлов кўтиллари бетаб ётган инсонлар, қариялар ва бошқа сабабларга қўра сайлов участкасига кела олмаётган фуқароларнинг уйларига олиб борилиши инсонпарварликнинг яққол намоёнидир. Зеро, кишини ҳасталиғи ёки кексаллиги учун мамлакат миқёсидаги бундай улкан сиёсий жараёндан четлатиб қўйиш — инсон ҳуқуқларини чеклашдан бошқа нарса эмас. Кимчи Ўзбекистоннинг сайлов қонунчилигида ўз ифодасини топган ноилоҳ фуқароларнинг уйда овоз беришига оид қондин шубҳа остига олса, менимча, тирноқ остидан кир қидирган бўлади.

Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, шаҳсан мен сайлов жараёнида қонунқўдалар ёхуд инсон ҳуқуқларининг бузилиши билан боғлиқ бирор бир ҳолатни сезганим йўқ. Халқингизга ҳавасим келади. Сизлар жаннатоманд ўлкада яшайсиз. Бундай Ватаннинг қадрига етиш, унинг яна

да гуллаб-яшнаши учун ҳеч нарсани аямаслик керак.

Кришан РАМАМУРТИ, "Dubai multi softway Ties centre" компаниясининг етакчи ижрочи директори (Малайзия):

Ўзбекистон Президентини сайловини кузатиш асосида Самарқанд вилояти ҳамда пойтахтингда ташкил этилган сайлов участкалари фаолияти билан яқиндан танишдим. Ҳамма жойда сайлов очик, ошқора, адолатли ва ҳаққоний ўтаётганига гувоҳ бўлдим. Сайлов участкаларининг барчасида юқори даражада тайёргарлик кўрилган. Президент сайловда тўрт нафар номзоднинг, жумладан, сайловчилар ташаббускор гуруҳидан кўрсатилган номзоднинг иштирок этгани ушбу сиёсий тадбирни демократия, очиклик ва ошқоралик тамойиллари асосида ўтказишнинг қаболати бўлди. Сайлов муқоабил асосида Ўзбекистон Конституцияси ва сайлов қонунчилигида белгиланган демократик тамойилларга тўла мувофиқ тарзда ўтди.

Қонунга мувофиқ Президентликка кўрсатилган номзодларга сайлов кампаниясини ўтказиш, сайловчилар билан учрашиш, сайловдаги ташаббусчи оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилди. Мен сайлов жараёнида шунга амин бўлдимки, барча сайловчилар номзодлар ҳақида тўла маълумотга эга экан. Уларнинг ҳар бири учун телевидениеда тенг эфир вақти ҳамда матбуотда чиқишлари учун газеталардан жой ажратилгани бундай хабардорлиқни таъминлашда муҳим омил бўлди.

Таъкидлаш кераки, ўзида ўтадиган сайлов жараёнига халқаро кузатувчиларнинг тақриб этмайдиган давлатлар ҳам кам эмас. Ўзбекистон Президентини сайловини эса қарийб 23 минг 300 нафар кузатувчи кузатиб борди. Улар орасида башта халқаро ташкилот, ўтиздан ортиқ хорижий мамлакатдан келган кузатувчилар, шунингдек, Президентликка номзод кўрсатган сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳи вакиллари бор. Бундан ташқари, сайлов жараёнини ёритишда 300 нафарга яқин ўзбекистонлик ва хорижий журналистлар иштирок этди. Буларнинг барчаси сайлов халқаро нормаларга мос, демократик тамойиллар асосида ўтганининг эркин ифодасидир.

(Давоми 2-бетда.)

(Давоми 2-бетда.)



**ЖАҲОН** 24 соат ичида

**Ўвузликнинг олди олинди**

Истамбулнинг энг серкатнов метро бекатларидан бирида 25 ёшли йигит қўлга олинди. Унинг сумкаси текшириб кўрилганда, уч килограмм портловчи модда топилди.

Истамбул шаҳри губернаторининг таъкидлашича, йигит террорчилик актини амалга оширмакчи бўлган. Полиция вакили унинг шериги ҳам қўлга олинганини маълум қилди.

Тахминларга қараганда, қўлга олинган йигит Курдистон ишчи партияси аъзоси бўлиши мумкин. Сўнги бир неча йил ичида Туркия ҳукумати ва КИП ўртасидаги можаролар тўғрисида 40 минг нафардан зиёд одам ҳаётдан кўз юмди.

**Икки баравар кўпайди**

Маълумотларга қараганда, Россия 2007 йилда 7 миллиард долларлик қурулган. Бу ҳақда ҳукумат раисининг биринчи ўринбосари Сергей Ивановнинг гапига асосланиб, «Интерфакс» хабар тарқатди.

Сергей Ивановнинг таъкидлашича, четта қурул сотиш 2000 йилга нисбатан икки баравар кўпайган. Россия қурулининг 50-70 фоизини Хиндистон ва Хитой харид қилмоқда. Шунингдек, расмий Москва ўз қурулларини Яқин Шарқ ва МДХ, Шарқий Европа, Лотин Америкаси, Африка мамлакатларига ҳам экспорт қилмоқда.

**Йилда бир миллион автомобиль**

Таъкидлаш жоизки, концерн 2002 йилда бор-йўри 100 минг автомобиль сота олган эди. Орадан уч йил ўтгач, бу кўрсаткич 500 минггача ташкил этди.

Концерн раҳбарларининг таъкидлашича, бир йўла бир неча янги моделларнинг бозорга чиқиши тўғрисида шундай ютукка эришилган.

«General Motors» концерни 2007 йилда Хитойда 1 миллионга автомобиль сотишга муваффақ бўлди.

**Сайёҳларга ҳужум**

«Reuters» ахборот агентлиги хабарига қараганда, душанба кўни Мавританиянинг Нуакшота ҳудудига франциялик тўрт нафар сайёҳ ўлдирилган, яна беш нафари жароҳатланган. Хабарда айтилишича, уларга номаълум одамлар ҳужум қилган. Босқинчилар сайёҳларнинг пулларини тортиб олган ва кейин отиб ташлаган.

**Янги дорининг касофати**

Нигерия суди АҚШнинг «Pfizer» фармацевтика компанияси уч нафар ходимини қамқоқ олишга ордер берди. Улар судга келиб кўргазма беришдан бош тортганликда айбланмоқда.

Ҳозирда Нигерия ҳукумати «Pfizer»-дан 6,5 миллиард, Кано штати ҳукумати эса 2,75 миллиард доллар тоvon пули тўлашни талаб қилиб, судга мурожаат этган.

нафар болада синаб кўрган эди. Наттижада 11 нафар бола ҳаётдан кўз юмди, ўлаб болалар кар ва ногирон бўлиб қолди.

Хозирда Нигерия ҳукумати «Pfizer»-дан 6,5 миллиард, Кано штати ҳукумати эса 2,75 миллиард доллар тоvon пули тўлашни талаб қилиб, судга мурожаат этган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

**Янги йил совғалари**

**БОЛАЛАР ВА КАТТАЛАР УЧУН**

**АРЧАЛАР**

АРЧАЛАР УЧУН БЕЗАКЛАР

Тўлов — пул ўтказиш йўли билан.

Тел.: 173-96-14, 173-97-00, 276-52-91.

Организация реализует со склада в Ташкенте следующие **ШИНЫ** российского производства:

Размер	Модель
13,6-38	Я-166 нс 6
15,5-38	Ф-2АД нс8
9,00-16	Я-324А нс10
28,1R26	ФД-12М нс12 и 158
9,5-42	Я-183 нс8
18,4/78-30	Я-319 нс8 и 139
10.00R20	И-281, У-4 нс 16
8,25 R20	

а также любые другие модели под заказ.

Адрес: г. Ташкент, ул. У. Юсупова, 36.  
Тел./факс: 144-71-75, 144-30-79.  
E-mail: euroaz@mail.ru

ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН

**ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!**

**ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИНING «УНИВЕРСАЛ БИРЖА МАРКАЗИ» МЧЖ**

сизларни ҳар ҳафтанинг сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунларида ўтказиладиган марказлаштирилган электрон биржа савдоларига таклиф этади.

Марказлаштирилган электрон биржа савдоларига қуйидаги мулк кўйилмоқда:

Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Зарқайнар кўчаси, 39, 40, 41-уй манзилида жойлашган, қурилмалар майдони 2985 кв.м. бўлган ва ер майдони 1800 кв.м.дан ташкил топган маъмурий бино.

**Бошланғич баҳоси — 2 700 000 000 сўм.**

Савдода иштирок этиш ва мулк тўғрисида қўшимча маълумот олиш учун бизнинг қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А. Хўжаев кўчаси, 1-уй. Тел.: 138-69-70, 138-69-93.

Лицензия DB001-000010

**«МЕХҲРИ САВДО» ШУЪБА КОРХОНАСИ**

2008 йилнинг I чорагида қуйидагиларни сотиб олиш бўйича тендер ўтказилишини эълон қилади:

**САРИЁҒ, I-КАТЕГОРИЯЛИ МУЗЛАТИЛГАН МОЛ ГЎШТИ**

Тендер таклифларини топшириш ва тендер ҳужжатларини олиш учун ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

100000, Тошкент ш., Мирзо Улугбек тумани, А. Икромов к., 27-уй. Телефонлар: 137-14-59, 137-45-15. Факс: 137-14-92.

**Газ уағуржа истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!**

**«Крокус Газ Сервис» КК**

«Сигнал» ва «Газдевайс» ЁАЖ компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидagi расмий вакили қуйидагиларни таклиф этади:

**ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).**

Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.

Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортиқ.

Ўтказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатида эга.

Россияда ишлаб чиқарилган **«АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧАНАЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН** замонавий электрон газ ўлчагичлари.

Ўлчаш диапазонлари:

- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача);
- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-4 (соатига 0,04 м³ дан 6 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-6 (соатига 0,06 м³ дан 10 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-10 (соатига 0,1 м³ дан 16 м³ гача).

Кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатида эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Моштаб» кўчаси, 7-уй. Мўлжал — Тошкент вино заводи. Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

Магазин-салон **«УМНЫЙ ДОМ»**

www.setko.uz

- Мини-АТС,
- Видео-наблюдение,
- Контроль доступа (под заказ)

Тел.: 138-99-99, 137-29-88.

**«ХАЛҚ СЎЗИ»ГА**

ЭЪЛОНЛАР КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача

136-09-25  
132-10-63

242-хона

E-mail: Xalk\_suzi@rambler.ru

**Drive your way**

Тел.: 250-11-11, 250-69-99. Факс: 250-55-99. Кафолат — 2 йил.

www.hyundai-motor.com

**ЖАҲОН БАНКИ ИЖТИМОЙ ТАРАҚҚИЁТ ФОНДИ**

Ўзбекистон учун навбатдаги 2008 йил грантлар дастурини мамнуният билан эълон қилади.

**Дастур ҳақида.** Ижтимоий тараққиёт фонди дастури (аввалги Кичик грантлар дастури) Жаҳон банкининг амалий фаолиятига тегишли бўлмаган тадбирлар доирасида халқаро ривожланиш бўйича ўзаро мулоқотни қўллаб-қувватлаш ва маълумотларни тарқатиш мақсадида 1983 йилда ташкил этилган. Мазкур дастур Ўзбекистонда 2000 йилдан буён амалга оширилмоқда. Бу йиллар давомида 59 та лойиҳа молиялаштирилган бўлиб, улардан саккизтаси 2006 йил ва еттитаси 2007 йилда амалга оширилган.

**Аризани кимлар топшириши мумкин?** Грант олиш учун истаган нотижорат, нодавлат, илмий-тадқиқот ташкилотларига қарашли бўлмаган муассасалар ариза беришлари мумкин.

**Қандай тадбирлар қўллаб-қувватланади?** Дастур асосида ўзаро мулоқот ва маълумот тарқатиш ҳамда иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт жараёнининг асосий иштирокчилари билан ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган тадбирлар молиялаштирилади. 2008 йил ижтимоий тараққиёт фонди дастури мамлакат иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши масалалари бўйича турли ижтимоий ташкилотлар ўртасида музокаралар олиб бориш учун шароит яратиш, маҳаллий даражада Минг йиллик ривожланиш мақсадлари, аҳоли турмуш даражасини ошириш билан боғлиқ, жамиятга кўрсатиладиган хизматлар, маҳаллий бошқарув органларининг ошқоралик ва жамият олдидаги ҳисоботларини такомиллаштириш жараёнида қатнашувчи нодавлат ташкилотларидан аризаларни қабул қилади. Қишлоқ хўжалиги ва маҳаллий тараққиёт масалалари билан боғлиқ таклифлар алоҳида эътиборга олинади.

**Такдим қилинадиган грант маблағининг ҳажми қанча?** 1000 дан — 7000 АҚШ долларигача бўлган миқдорда алоҳида грантлар ажратилади. Ижтимоий тараққиёт фонди дастурига оид грант тадбирлари такдим этилган кундан бошлаб бир йил ичида яқунланиши керак. Ариза бериш учун ташкилотлар бошқа донорлардан маблағ олишда Жаҳон банкининг Ижтимоий тараққиёт фонди дастури гранти уларга қандай ёрдам бериши мумкинлигини асослаб беришлари талаб қилинади.

**Ижтимоий тараққиёт фонд дастури бўйича кўрсатмалар ва ариза намунасини олиш учун Жаҳон банкининг Тошкентдаги ваколатхонасига мурожаат қилишингиз мумкин.**

Манзилмиз: Тошкент ш., 100084, Амир Темур к., 107-«Б» уй, Халқаро бизнес маркази, 15-қават. Шунингдек, Жаҳон банкининг [www.worldbank.org.uz](http://www.worldbank.org.uz) интернет саҳифасидан фойдаланишингиз мумкин.

Аризаларни 2008 йил 17 февралгача Жаҳон банкининг Ўзбекистондаги ваколатхонасига «Ижтимоий тараққиёт фонд дастури, Ирина Цой эътиборига» деган ёзув билан юқорида кўрсатилган манзилга юборишингиз лозим. Факс: (998 71) 138-59-51/52 ёки электрон манзил: [itsoy@worldbank.org](mailto:itsoy@worldbank.org)

Таклифингиз дастур координаторига етиб борганлигини текширинг.

**Фамхўрлик**

«Экосан» халқаро ташкилотининг навбатдаги 30 миллион сўмлик миқдордаги инсонпарварлик ёрдами Наманган вилоятининг бир қатор шифо муассасалари ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига тарқатилди.

**«ЭКОСАН» САХОВАТИ**

Жумладан, туман шифохоналари, руҳий касалликлар ва нарколегия диспансерларига кўрпа-тушиқ ҳамда дезинфекция воситалари топширилди. «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари тавсия этган ногиронлар, «Саховат уйи» да истикомат қилувчи фуқаролар эса киши пойабзал, ички кийим, халат ва иссиқ пайпоқлар билан таъминланди. Бу билан «Экосан»нинг йил бошидан буён вилоятга кўрсатган инсонпарварлик кўмаги 60 миллион сўмдан ошди.

Қ. НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

**Электр энергиясидан фойдаланувчи корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги «Электр энергияси сотилиши ҳамда ундан фойдаланиши ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини мустақамлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 512-сонли қарорига асосан, сиздан 2008 йил 1 январга қадар электр энергиясининг индукцион электр ҳисоблагичларини электр энергиясининг автоматлаштирилган назорат ва ҳисобга олиш тизимига (АСКУЭ) ўзлаштириш тўғрисида талаб этилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган шартларни бажармаган корхона ва ташкилотларга электр энергиясини бериш тўхтатилади ва электр энергиясини етказиб бериш ҳамда ундан фойдаланиш учун шартнома бекор қилинади.

«Тошкент шаҳар электр тармоқлари» корхонаси маъмурияти.

**Российский Обои линолеум виниловые**

тел. 234-48-11  
факс 234-49-58

Форма оплаты — любая

Товар сертифицирован

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги жамоаси Ўзбекистон Республикасининг Ҳиндистон Республикасидagi Факултета ва Мухтор элчиси Сайдакма Сайдахмедович САЙДАМИНОВнинг вафоти этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таязия изҳор этади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси жамоаси ишлаб-чиқариш тижорат маркази директор ўринбосари Садулло Умарова падари бузруквор.

ЛУТФУЛЛА отанинг вафоти муносабати билан чуқур таязия изҳор этади.

Тошкент Автомобиль йўллари институти жамоаси Автомобилларда ташини ташкил этиш кафедраси мудири, техника фанлари доктори, профессор Ботир Агамович ХАДЖАЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таязия билдиради.

«Мадад» суурта агентлиги жамоаси Фарғона вилояти филиали директори Муборакхон Ҳасановага оиди МУҲАРРАМ аянинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик билдиради.

Ижтимоий-иқтисодий тадқиқотлар маркази жамоаси етакчи илмий ходим Шероз Расулвага оиди Бахтиёр РАСУЛБЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур таязия изҳор этади.

### АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Марҳамат туман соғлиқни сақлаш бўлими жамоаси 136 мингдан ортиқ кишига тиббий хизмат кўрсатади. Аҳоли орасида тиббий маданиятни мустаҳкамлаш жамоанинг асосий вазифаларидандир.

Туманда аҳолига намунали тиббий хизмат кўрсатишни янада таъминлаштириш мақсадида жорий йилда қатор даволаш-профилактика муассасаларида таъмирлаш ишлари бажарилди. Шунингдек, йигирма бешта қишлоқ врачлик пункти тиббий жиҳозлар билан тўлиқ таъминланди.

Хусусан, Фафур Гулом номидаги ҳамда «Роҳат» қишлоқ врачлик пунктларининг реконструкция йўли билан ишга туширилиши аҳоли саломатлиги муҳофазаси учун яратилган имкониятларни янада кенгайтди.

**СУРАТДА:** Марҳамат туманида янги ишга туширилган Фафур Гулом номидаги қишлоқ врачлик пункти ҳамшираси Малохат Шокирова.

Шухрат ОЛИМОВ (ЎЗА) олган сурат.



**Яхши хабар**

Қашқадарё вилоят мусиқали драма театрида ижодкор ўқитувчиларнинг Ватани мадҳ этиш буйича кўрик-танлови бўлди.

**ИЖОДКОР ЎҚИТУВЧИЛАРГА РАФАТ**

Унда халқ таълими тизимида меҳнат қилаётган 160 нафар бадий ижод соҳиблари ўз асарлари билан иштирок этдилар.

Шахрисабзлик Иброҳим Жалилов насро, чироқчилик Махмуд Нурматов назми, қамашлик Урол Бойқобилов публицистика, қарилик Гулнора Шукророва халқ амалии санъати, китоблик Махмадали Махмудов тасвирий санъат, деҳқонбодлик Бехзод Рустамов графика буйича кўрик-танлов ғолиби бўлишди. Мусиқа ва қўшиқчилик йўналиши буйича ҳам энг яхши ижрочилар аниқланди.

Ғолиб ва совриндорларга Таълим ва фан ходимлари қасаба уюмлари вилоят кенгашининг дипломлари ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди.

**Бўри НОРҚОБИЛОВ,** «Халқ сўзи» мухбири.

### КЎЗЛАРГА НУР БАҒИШЛАБ

Мустақиллик йилларида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишга ҳукуратимиз томонидан катта эътибор қаратилди. «Муруват» уйлари, махсус мактаб-интернатларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланаётгани фикримиз далилидир.

— Жамиятимизда ёрдамга эҳтиёжманд ногиронларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш билан бир қаторда уларнинг тиббий-ижтимоий реабилитациясига ҳам жиддий ёндашилмоқда, — дейди Бухоро вилоят тиббий-меҳнат экспертизаси бош эксперти вазифини бажарувчи Э. Савронов. — Биз йил аввалида давлат дастури доирасида аниқ режалар ишлаб чиққандик. Ўтган давр мобайнида бир қатор ишлар амалга

оширилди. Чунинчи, кўриш қобилиятини йўқотган яққа-ёлғизлар, кам таъминланган оилаларда яшаётган ногиронлар учун сунъий кўз гавҳари сотиб олинди. 2,5 млн. сўм миқдоридagi ҳимийлик маблағлари эвазига харид қилинган бу кўз гавҳарлари 120 нафар ногирон нигоҳларини равшанлаштирди. Жарроҳлик муолажалари бепул амалга оширилди. Ногиронларга ғамхўрлик бо-

расида нодавлат ташкилотларнинг ҳам ҳиссаси катта. Масалан, «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими ҳамда унинг шаҳар ва туман бўлинмалари томонидан эҳтиёжманд фуқароларга шу йилнинг ўтган даврида 7,2 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланиб, аравачалар, эшитиш мосламалари, қўлтиқ-таёқлар олиб берилди. Бундай эзу ишлар «Соғлом авлод учун», «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамғармалари томонидан ҳам уюштирилмоқда.

**Истам ИБРОҲИМОВ,** «Халқ сўзи» мухбири.

**SUVMASH**  
www.suvmash.uz

**«SUVMASH» OAJ — SIZNING HAMKORINGIZ !**

**Насослар ва электр машиналар ишлаб чиқариш ҳамда таъмирлашга ихтисослашган корхона қуйидагиларни тайёрлайди:**

- ЭЦВ 6, 8, 10, 12 русумли, қудуққа мўлжалланган, марказдан қочирма электр насос қурилмалари;
- К русумли, тагликка ўрнатилган, марказдан қочирма электр насос қурилмалари;
- Д русумли, икки ёқлама киришли, марказдан қочирма, ётиқ электр насос қурилмалари;
- А50ГО, А40ГЦ, А30ГЦ, СНП 500/10 кўчма насос станциялари;
- барча русумдаги насосларнинг эҳтиёт қисмлари;
- металл конструкциялар.

Корхонада, шунингдек, насос қурилмалари ва қуввати 3000 кВт гача бўлган электр двигателлар капитал таъмирланади.

100182, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Хусайн Бойқаро кўчаси, 13-уй.  
Tel.: (998 71) 295-13-00, 295-25-75, 295-06-37. Fax: (998 71) 295-51-08, e-mail:office@suvmash.uz

### ХОНАНДА БАХТИ

Ўзининг 80 йиллигини нишонлаётган Ўзбекистон халқ артисти, уруш фаҳрийси, «Жасорат» медали соҳибаси Коммунаҳоним санъатта 14 ёшлиғида кириб келган. Фашизмга қарши кураш йилларида у Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Фахриддин Содиков, Ўзбекистон халқ артистлари Тамараҳоним ҳамда Гавҳар Раҳимовалар бошчилигидаги фронтчи концерт бригадалари билан бирга Ўзбекистонлик жангчиларга она юртининг соғинчли саломини етказган эди. Урушдан кейинги йилларда устозлари Фахриддин Содиков, Юнус Ражабий, Қомилжон Отаниёзов, Халима Носирова, Мукаррама Турғунбоевалардан мусиқа санъати сирларини мукаммал ўрган-

ди. Кейинчалик Ўзбекистон давлат филармонияси ҳамда Ўзбекистон Давлат теле-радио-солисти сифатида фаолият кўрсатди. Ҳозирги Маннон Уйғур номидаги санъат институтида анъанавий ижрочилик йўналиши буйича ёшларга сабоқ берди. Айни пайтда эса Коммуна Исмоилова Тошкент маданият коллежи ва Глиэр номи мусиқа мактабида шогирдларга устозлик қилмоқда.

— Коммуна опа билан 1959 йили ўзбек адабиёти ва санъати декадасида иштирок

этганимиз ҳеч ёдимдан чиқмайди, — дея эслайди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Марям Ихтиёрова. — Ушунда кичкина қизалоқ эдим. Устоз билан сахнага чиқиб, қўшиқ куйлаш бахтига мусасар бўлганман. У кишидан сахна маданияти, овоз имкониятларини ишга сола билиш, кишилар билан ўзгача, ажиб назокат ила сўзлашиш сингари нозик ҳислатларни ўрганганман.

Ўзбекистон Куролли Кучлари Марказий офицерлар уйида таниқли санъаткор ижодига бағишланган тадбирда унинг шогирдлари, мухлислари сўзга чиқиб, ўзларининг санимий тилақларини билдиришди.

**Муборак ОХУНОВА,** «Халқ сўзи» мухбири.

# ЛУКОЙЛ

Ўзбекистон халқини  
**Янги йил билан табриклаймиз!**

Барчага тинчлик, бахт,  
саломатлик, эзгулик  
ва фаровонлик тилаймиз!

**Халқ сўзи**  
Народное слово

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.  
Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1157. 23787 нусхада босилди,  
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;  
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғоев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Тижорат материаллари

**• МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Набатчи котиб — Ю. Ҳамидов.  
Набатчи муҳаррир — У. Файзиёва.  
Набатчи — Қ. Хидиров.  
Мусаҳҳах — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 22.40 Топширилди — 24.00 1 2 3 4 5 6 8